

**ЎЗБЕКИСТОНДА VI-VII АСРЛАРГА ОИД КУЛОЛЧИЛИК БУЮМЛАРИ
ТАРИХИ**

Ҳамидова Дилфуза

Ўқитувчи.

Камолiddин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти

Қосимова Озода

Талаба

Камолiddин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти

ИСТОРИЯ КЕРАМИЧЕСКИХ ИЗДЕЛИЙ ЗОРОАСТРИЙСКОЙ РЕЛИГИИ

Ҳамидова Дилфуза

преподаватель

Национальный институт художеств и дизайна имени Камолiddина Бехзода

Қосимова Озода

Студент

Национальный институт художеств и дизайна имени Камолiddина Бехзода

HISTORY OF BRICKWARES OF ZOROASTRIAN RELIGION

Xamidova Dilfuza

teacher.

National Institute of Painting and Design named after Kamoliddin Bekzod

Qosimova Ozoda

student

National Institute of Painting and Design named after Kamoliddin Bekzod

Аннотация. *Мазкур мақолада Ўзбекистонда VI-VII асрларга оид кулолчилик буюмлари тарихи илмий жиҳатдан ўрганилди. Унда Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидаги археологик қазилмалардан топилган артефактларнинг ўзига хос хусусиятлари, шакли, безаклари тадқиқ этилди. Асосий эътибор остодонлар тарихига қаратилди*

Калит сўзлар: *кулолчилик, артефакт, археология, ёдгорлик, зардуштийлик дини, маросим, сақлаш, тадқиқот, Ўрта Осиё, ҳудуд.*

Аннотация. В статье научно изучается история гончарного дела VI-VII веков в Узбекистане.. В нем изучены особенности, формы и украшения артефактов, найденных при археологических раскопках в различных регионах Узбекистана. Основное внимание уделено истории ассуариев.

Ключевые слова: керамика, артефакт, археология, памятник, зороастрийская религия, ритуал, сохранение, изучение, Средняя Азия, регион.

Annotation. This article scientifically studies the history of pottery from the 6th-7th centuries in Uzbekistan. Features, forms and decorations of the artefacts found at archaeological excavations in the different regions of Uzbekistan, are studied in him. Basic attention is spared to history of ассуариев.

Keywords: ceramics, artefact, archaeology, monument, Zoroastrian religion, ritual, maintenance, study, Middle Asia, region.

Долзарблиги. Ўзбекистон ҳудудидан топилган кулолчилик буюмларининг тарихини таҳлил қилиш, тиклаш ҳамда таъмирлаш жараёнларини ўрганиш, таснифлаш илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топмаганлиги мазкур мавзунинг долзарблигини белгилайди. Реставрация ишларининг илмий-амалий ўрганилиши тарихий кадриятларни сақлаб қолишда муҳим асосий омил ҳисобланади.

Тадқиқот методлари. Тарихий ёндашув, холислик, илмийлик, тарихий-қиёсий ҳамда умумлаштирма таҳлиллар асосида хулосалар бериш, тизимлаштириш тадқиқотнинг методологик асосини ташкил қилади.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқотда келтирилган маълумотлар илмий асосга эга бўлиб, унинг асосий хулосалари моддий маданий мерос ёдгорликларини тадқиқ этишда қўлланилиши мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан олий ва ўрта махсус ўқув юртлари тизимида маъруза ва семинар машғулотларини ўтказишда фойдаланиш мумкин. Қадимги даврга оид осори-атиқаларни ўрганиш, уларни максимал даражада сақланиб қолинишига имкон яратади ва уларнинг тарихий-маданий, илмий ҳамда бадиий қимматини очиб беради.

Милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёда зардуштийлик дини кенг тарқалди. Бу диннинг асослари ибтидоий жамоа шароитида, одамлар теварак атрофдаги табиатни илоҳийлаштирган бир даврда вужудга келган. Инсоният жуда қадимдан ўлим ва у билан боғлиқ маросимларга алоҳида эътибор бериб келган. Археологик маълумотларга кўра, палеолит давридан бошлаб, яъни неандертал одамлари ўз яқинлари ўлгандан кейин, уларни маълум расм-русумлар бажариб сўнг кўмганлар [1. – Р. 8.].

Зардуштийлар ўшанда олов, куёш, ер, сув, ой, юлдузларга сиғинганлар ва уларни муқаддас деб билганлар. Зардуштийлик дини жаҳон динларининг энг қадимийларидан бири бўлиб, минг йилликлардан ортиқ вақт мобайнида кўпгина Шарқ халқларининг асосий дини бўлиб келди. Марказий Осиё, Эрон, Озарбайжон халқлари исломга қадар шу динга эътиқод қилганлар. Хатто ислом кириб келгандан кейин ҳам бу дин узоқ вақт мавқеини сақлаб келган. Ибн Сино даврида (X-XI асрлар) ҳам шу динга эътиқод қилувчилар мавжудлиги эътироф этилган.

Илмий манбаларда ёзилишича, Зардуштийлик таълимотига кўра, одамлар ўлгандан кейин унинг жасадини ерга кўмиш гуноҳ ҳисобланган. Шунинг учун одам ўлгандан кейин унинг жасадини махсус тепаликка олиб бориб кўмишган. Бу тепаликда мархумлар турли ҳайвонларга ем бўлиб, суяклари қолгандан сўнг, уларни йиғиб, сополдан ясалган идишларга солиб сақлашган. Бу идишларни остадонлар ёки оссуарийлар деб аташган. Улар хар хил шаклда бўлиб, асоси тўртбурчак бўлган. Қопқоғида одам гавдаси - ҳумга ўхшатиб ёки ўтирган ҳолатда ясалган. Остадонларнинг атрофларига эса бўртма тасвирлар ишланган ёки расм чизилган. Бу тасвирларда ўша даврлардаги урф-одатлар, масалан, аза тутиш воқеалари акс эттирилган. Бундай остадонлар Ўрта Осиё ерларидан, хусусан Ўзбекистон тупроғидан кўплаб топилган. Бунга Қувадан топилган сопол буюмларни мисол келтириш мумкин. Маълумки, қадимги Қува шаҳристонида олиб борилган археологик казишмалар чоғида топилган осори атиқаларни Ҳиндистон, Шарқий Туркистонда аниқланган материлларга ўхшашлиги, ўрта асрларда улар ўртасидаги маданий-иқтисодий алоқаларни янада ривожланганлигини кўрсатади [2. – С. 79]. Бироқ Қува топилмаларини ўзига хос томонлари борки бу ҳақда тўхтаб ўтиш лозим бўлади. Қува туманидаги Каркидон сув омбори қурилиши чоғида топилган бронза шокилада ҳам худди шунга ўхшаш жиҳатлар қайд этилган бўлиб, Н.Г.Горбунова бу ҳақда қуйидагиларни келтирган: “Мазкур бронза шокила, тумор вазифасини бажарган бўлиши мумкин. Чунки унда қайсидир илоҳнинг тасвири туширилган. Бироқ уни аниқ бир динга тегишли эканлигини айтиб бўлмайди. Эҳтимолдан ҳоли эмаски, биз бу ерда маҳаллий илоҳларни буддавийлаштирилган кўринишига дуч келганмиз” Қизиғи шундаки, ушбу илоҳнинг чап елкасида ярим ой ва ўнг елкасида Қуёш ҳам акс эттирилган. Ҳолбуки, буддавийлик динидаги илоҳларнинг иконографиясида Ой ва Қуёш тасвирига дуч келинмаган. Аксинча Ой ва Қуёш илоҳлари Марказий Осиёдаги маҳаллий илоҳларга хос белгилар бўлиб, улар Шарқий Туркистон, Хоразм, Панджикент ёдгорликлардаги суратларда учрайди [3. - С. 355, 357.]. Бинобарин исломга қадар Қува аҳолисини Зардуштийлик динига эътиқодликларини археологик

топилмалар исботлайди. Чунончи, ярим Ой Зардўштийлик динидаги фаровонлик маъбудаси соҳибжамол Анахитанинг рамзий белгиларидан бўлган [4. – С. 106.]

Жиззах вилояти ҳудудидан топилган дастлабки, кўп сонли “классик” усулдаги остадонлар мажмуаси бўлиб, бу пайтгача воҳамиздан фақат 2 дона тасодифан топилган остадонлар маълум эди. Уструшонада шу пайтгача, яъни топилган мазкур остадонлар мажмуасига қадар мумтоз остадонлар ниҳоятда кам топилган. Авваллари қайд этилган остадонлар ҳам ўзига хослиги билан ажралиб турган. Хусусан, оддий лойдан ясалиб, офтобда қуритилиб, дарҳол фойдаланишга сафарбар қилинган Куркат остадонлари, Зомин тумани Қизилсой мавзесидан топилган «ўтовсимон» остадон бу тарихий ўлкадан шу пайтгача топилган кам сонли намуналар эди [5. - С. 190-193]. Уструшонада ҳам исломга қадар бўлган даврда зардуштийликка кенг амал қилинган.

Ўлим билан боғлиқ маросим ва урф-одатларда остадонлар ўрнини сопол идишлар, хусусан, турли ўлчамдаги хум ва хумчалар бажарган [6. – Б. 141.]. Жиззах шаҳридаги Қалиятепа шаҳар ёдгорлиги атрофидан, Комил бобо тепа қалъаси маданий қатламларидан, Зомин воҳасидаги Қўштепа ёдгорлиги, Бирлашган қишлоғидан кўплаб хум остадонлар қайд этилган [7. – С. 223-225]. Тепа Мулкуш остадонлари маҳаллий соз тупроқ лойидан қўлда тайёрланган, хумдонда пиширилган, ички ва сирт томонлари қуюқ, қизғиш рангли ангоб бўёқ билан бўялган. Уларнинг аксарияти овалсимон шаклда ясалган, узунлиги 45-52 см, эни 17-21 см, баландлиги 15-18 см атрофида бўлиб, уларнинг орасида иккита майда “болалар остадони” ҳам мавжуд. Остадонлар усти қисмининг олд тарафи шаҳар, қалъа кўрғонининг мудофаа иншоотлари тасвирини берувчи кунгирадор девор шаклида ясалган, унинг ички томонидан идиш қопқоғи зич жойлашиши учун махсус йўлакчасимон айлана мослама, кунгурадор деворнинг тагига эса юқорида таъкидланган турли безак ва нақшлар туширилган. Қиёсий таҳлилларга кўра, Фарбий Уструшона остадонлари мажмуасини милодий эранинг VII асри иккинчи ярми VIII аср бошлари билан даврлаш мумкин. Кези келганда шуни таъкидлаш керакки, бу ҳудуддаги археология ёдгорликларининг сақланиши ачинарли ҳолатда.

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Хоразм воҳасининг ҳозирги Қорақалпоқистон ҳудудида жойлашган Қўй-қирилган қалъа, дафн маросимлари ўтказиш учун эҳром сифатида қурилган. Унинг марказий биноси жасадни ёқиш учун мослашган. Академик С.П.Толстов бошлиқ археологик экспедиция қазув қидирув ишлари олиб борган. Бу қалъада кўплаб оссуарийлар, кулолчилик буюмлари топилган. Хоразм оссуарийлари шу жумладан Қўй-қирилган қалъадан топилган оссуарийларни кўпчилиги одам хайкали шаклида сополдан ишланган. Шундай хайкаллардан бирининг бўйи 70 см, тик турган аёлни тасвирлайди. Хайкалнинг боши,

юз томони анча бузилган ва кўп қийинчиликлардан кейин қайта тикланди. Сочлари орқа томонга қайрилган, қулоғи очик қолган. Қулоғининг ўртасида тешиги бор Оссуарийнинг тагида оромий алфавитининг МИМ харфлари рельеф шаклида ясалган. Оссуарийнинг олд қисмида рельеф услубида кўл ясалган ва бизгача синган холда етиб келган. Эгнига кафан кийган кафтидан кўйлаги чиқиб турибди. Кўйлаги учбурчак нақшлар билан безалган. Қизил ангоб, сарғиш бинафша ранг хайкалга ранг тасвир туширилган эхтимоли бор, лекин бизгача етиб келмаган.

Иккинчи хайкал анча мураккаброқ, ўтирган эркак хайкали. Бу хайкалнинг баландлиги 85 см. Думалоқ идишнинг устига жойлаштирилган. Лекин идиш креслога ўхшатиб ишланган. Худди одам креслода ўтиргандай таасурот қолдиради. 8 – шаклидаги чордона қурилган, оёғи композицияни тугаши ва креслонинг оёғини эслатади. Калта кафтан кийгизилган ва кўкраги очик қолдирилган. Қўллари алохида ясалган ва кейин ёпиштирилганга ўхшайди. Ҳайкалнинг боши гавданинг пропорциясига тўғри келмайди, анча катта қилиб ясалган. Боши ҳам айрим ясаиб, кейин гавдага ўрнатилганга ўхшайди. Бошининг бўлаклари, кўзи, қулоғи, бурни, лаби, чаккаси айрим топилган ва уларни бирлаштириб хайкални реконструкция қилиш, яъни ўз холига келтириш мумкин. Кўзи думалоқ бўртиб чиққан атрофи рельеф қилиб бўрттирилган. Бурни сал букирроқ ва кичкина нозик тешиклари бор, юпка лаблари тагига соқоли жойлашган. Бош кийими қайси бир хайвонни қулоғини эслатади. Бундай бош кийим кўплаб Парфия хайкалларида учратиш мумкин. Орқа мия томони қазиш пайтида топилмади, шунинг учун ҳам уни реконструкция қилишни иложи бўлмади. Кўй-қирилган қалъа атрофида кўплаб куйдирилган одам суяклари топилди. Бундан кўриниб турибдики Кўй-қирилган қалъа яқинида жасадларни куйдирадиган махсус қурилган бўлаги бўлиши керак. Кўй-қирилган қалъани қурилиш даврига яқин замонларда, Кўй қирилган қалъадан 200 метр жанубда ниқоб топилган. У сополдан ишланган, унча катта бўлмаган тепаликдан топилган. Тепалик шу ердан оқиб ўтган канални қазиш натижасида пайдо бўлган. Бу жойда ёнғин бўлган деган тушунчалар унча ўринли эмас. Бу ерда жасад ёқиш учун махсус қурилма бўлганлиги тўғрисида асосий далиллар бор. Кул аралаш лой, кул солинган оссуарийлар кўплаб топилган.

Кўй-қирилган қалъа эҳромларининг дахлизларида кўплаб тобут хайкалларнинг бўлаклари топилди. Бу бўлақлар йиғилганда, баъзи қисмлари йўқлиги учун, хайкал кўринишини тўлиқ тиклаш иложи бўлмаган. Бу оссуарийлар синиғи олдинги қадимий замонига мансуб. Ҳайкал оссуарийлар қанчалик қадимий бўлса улар шунчалик кўпроқ одам шаклига яқинлаштириб ишланган, қанчалик бизга яқин бўлса, шунча кўпроқ думалоқ хайкал шаклида намоён бўлади. Бу қалъадан кўплаб

ниқоблар ҳам топилган. Бу ниқоб эканлигини исботлаш учун уни жуда юпка рельефдан иборат эканлиги кифоя. Ниқобинг ўртасида думалоқ тешик бор. Бу ниқоблар жасадни юзини беркитиш учун мўлжалланган. Бизгача етиб келган хайкал оссуарийлар, кўза, хум, оссуарийлар оддий ва ўрта хол одамларга мансуб. Камбағаллар учун оддий лойдан тайёрланиб куёшда қуритилган оссуарийлар мавжуд бўлган.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда диний маросимлар билан боғлиқ буюмлар асосан тадқиқ этилаётган худудларда Зардуштийлик дини, кўмиш маросимлари билан боғлиқ ҳолда ривожланган. Уларнинг аксарият қисмидаги тасвирлар ўша даврда яшаган одамларнинг кундалик ҳаёти, урф-одатлари билан боғлиқ бўлиб, Хоразм худудидан топилган остадонларнинг умумий кўриниши инсон қиёфасидаги хайкал кўринишида бўлса, Сўғд, Бактрияники бир-бирига ўхшаган бўлган ва умумий кўриниши ўша давр меъморий биноларини эслатган. Бунга сабаб, ўша даврдаги одамлар, остадонлар нариги дунёда мархумнинг уйи сифатида хизмат қилади деб ўйлашган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Origine. Origine et evolution de L`homme. Paris, 1984. - p.8.
2. Булатова В.А. Древняя Кува. - Ташкент, 1972. – С. 79.
3. Негматов Н. Н. Резное панно дворца афшинов Уструшаны. В кн. Памятники культуры. Новые открытия. Ежегодник. - М 1976., 1977, - С. 355, 357.
4. Рапопорт Ю.А. Из истории религии древнего Хорезма, - М., 1971. – С. 106.
5. Грицина А.А. Уструшанские были. - Ташкент, 2000. - С. 190-193.
6. Пардаев М.Ҳ. Комил бобо тепа қалъаси. // ЎММТ. 32-нашри. - Тошкент, Фан. 2001. – Б. 141.
7. Грицина А.А. О погребениях в хумах в Зааминском тумане. //ИМКУ. Вып. 30. Самарканд, 1999. - С. 223-225.